

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чика бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 25 май • № 21 (1198)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида мамлакатда эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда. Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашда, гриппга оммавий чалиниш ҳолатларининг олдини олишда, пандемик салоҳиятга эга янги юқори патоген вирусли инфекцияларга қарши курашишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Ўтказилган таҳлиллар натижалари грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг таъсирчан профилактикаси бўйича чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган шарт-шароитлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

Биринчидан, доимий генетик ўзгаришлар ҳамда одамлар учун хавфли вирусларнинг пайдо бўлиши хавфи, шунингдек, миграция жараёнларининг жаддалашуви юзага келаётган инфекциялар таҳдидларга тезкор муносабат билдиришни талаб қилмоқда ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга оширишни қийинлаштирмоқда, жумладан, мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқармоқда;

Иккинчидан, инфекция юқиши хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасини вакцинапрофилактика қилиш даражасининг ҳозирги замон талабларига мос келмаслиги гриппга чалиниш даражасини ошириш учун шароит яратмоқда;

Учинчидан, рўйхатга олиш механизмларининг мукаммал эмаслиги вакциналар, ташхис қўйиш тўплamlари ва вирусга қарши воситаларнинг ўз вақтида

олиб кирилишини қийинлаштирмоқда;

Тўртинчидан, импорт қилинадиган вакциналар ва вирусга қарши воситаларнинг ўзига хос фаоллиги, шунингдек, импорт қилинадиган парранда ва чорва маҳсулотларининг одамларга нисбатан хавфли вируслардан холи эканлиги устидан лозим даражадаги лаборатория назорати таъминланмаёпти;

Бешинчидан, даволаш муассасаларини грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга тезкор ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий химоя воситалари билан таъминлашда, шунингдек, гриппга чалинган беморларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни эрта аниқлашда камчиликлар мавжуд;

Олтинчидан, барча ихтисосликдаги шифокорларнинг замонавий усуллар билан грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш,

уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича малакасини ошириш жараёни, шунингдек, шифокорларнинг беморларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш бўйича фаоллигини рағбатлантириш лозим даражада ташкил этилмаган;

Еттинчидан, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, маҳаллий вакциналар, вирусга қарши воситалар, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу мақсадларга инвестициялар ва грантлар жалб қилиш бўйича ишлар суист олиб борилмақда.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича

чора-тадбирларни кучайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш соҳасидаги ишлари қоникарсиз, деб топилин.

2. Куйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа масъул идораларнинг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумжаҳон ва минтақавий санитар-эпидемиологик ҳолатнинг доимий таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш, мамлакатда грипп ва бошқа ўткир
(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 71-СЕССИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 71-сессиясида иштирок этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси ЖССТнинг юқори органи ҳисобланади. Ассамблеянинг ҳар йилги сессияси, одатда, Женевада май ойида бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда).

«ҲАМ БЕМОР, ҲАМ ДОНОР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ОСОН ЭМАС...»



Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий марказида буйрак кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР
РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

респиратор инфекцияларнинг тарқалиши тенденциялари ҳамда кенг тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларни прогноз қилиш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш, вакциналар, вирусга қарши воситалар ва химия воситаларининг, ушбу касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолини зарур ҳажмда долзарб вакциналар, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий химия воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ва уларнинг захирасини шакллантириш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг комплекс профилактикасини, биринчи навбатда, юктириш ва оғир оқибатларга чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасининг умумий вакцинациясини ташкил этиш орқали амалга ошириш;

кенг тарқалиши мумкин бўлган грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг илк эпидемиологик белгиларини аниқлаш ва келгусида аҳоли ўртасида касалланиш камайтириш учун комплекс шашинч чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб ўқитилди) иловага мувофиқ тасдиқлансин. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат

(Давоми. Боши
1-бетда).

қўмитаси билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурини амалда ошириш учун хорижий давлатларнинг, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари)ни ва грантларини ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар пайдо бўлганда вакциналар, вирусга қарши воситалар, шахсий химия воситалари, эрта ташхис қўйиш ускуналари билан таъминлаш ва шашинч ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан кейинги йилларда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутиш.

6. 2018 йил 1 августдан гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга чалинган ҳамда клиник-эпидемиологик кўрсаткичлар бўйича парранда ва ҳайвонларда учрайдиган гриппнинг юқори патоген вируслари ҳамда одамлар учун хавфли бўлган бошқа ўткир респиратор инфекцияларни юктирганликда гумон қилинаётган шахсларга ушбу вирус турлари бўйича мажбурий ташхис қўйиш белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: юқумли касалликлар стационарларида, турғуқ комплексларида ҳамда перинатал марказларда, Республика шашинч тиббий ёрдам илмий марказида ва унинг филиалларида гриппга ташхис қўйиш бўйича экспресс-тестларнинг ҳамда гриппни даволовчи вирусга қарши махсус воситанинг қайта тикланувчи захираси ташкил этилишини, шунингдек, ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир шакллари ва чалинган беморларни даволаш учун шу соҳага ихтисослашган стационарларнинг жонлантириш ва интенсив терапия бўлими зарур асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари билан жиҳозланишини таъминласин;

бир ой мuddатда грипп юктириш ва унинг оғир асоратлари-

ни бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган шахсларни мавсумдан олдин вакцинация билан камраб олиш мақсадида уларнинг асосланган контингентини, шунингдек, зарур молиявий маблағлар ҳажмини аниқласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу контингентнинг вакцинациясини ташкил этиш ва вакциналар харид қилишни молиялаштириш манбаларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Давлат боғжона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда юқори патоген грипп вируслари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келишини назорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга қарши вакциналар, ташхис воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий химия воситаларининг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар мuddатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, илгор хорижий илмий ишланмаларни ва янги юқори самарали воситаларни жорий этиш тажрибасини ўрганиш, кейинча-

лик инновацион ишланмалар натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот институти базасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтларини жалб этган ҳолда ўз вақтида бажарилишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув дастурини такомиллаштириш чораларини, жумладан ўқув жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш чуқур ўрганилишини назарда тутувчи чораларни кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилишини ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ҳисоботлар тақдим этиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли ўртасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-миагрифий ишларни олиб бурсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари даволаш-профилактика муассасаларини эҳтиёжга қараб грипп ва бошқа ўткир респиратор ин-

фекцияларни самарали профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган самарали шахсий химия ва текзор-ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши, патогенетик ҳамда бошқа воситалар ва ускуналар билан таъминласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, 2019 йил 1 мартга қадар мuddатда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш мақсадида Чора-тадбирлар дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р. С. Қосимов, Р. Р. Иноятов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. В. Акмалов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 май

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 71-
СЕССИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси 71-сессиясида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадманов маъруза қилди. У ўз чиқишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, тизимни ривожлантириш дастури ва унда белгиланган асосий вазифаларга тўхталиб ўтди.

Сўнги икки йил ичида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг барча қатламига, аynиқса, узок қиллоқ аҳолиси-

(Давоми. Боши
1-бетда).

га юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар бугун давлат сиёсатининг бош мақсадига айланган бўлиб, шу мақсадда 100 дан ортқ ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда соҳани барча йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар қамраб олинган. Бунга мисол қилиб, 1283 та тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари харид қилинган, натижада, чақириқ тушган, тез ёрдам хизматининг етиб бориш вақти 20-30 дақиқадан 10-15 дақиқачага, хизмат радиуси эса 5-12 километргача қисқарганини айтиш мумкин. Қола-

верса, 2017 йилда Ўзбекистонга 311 нафар хорижий мутахассис тақлиф қилинди. Улар билан ҳамкорликда 800 дан ортқ мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилди. 290 нафардан ортқ мамлакатимиз мутахассислари эса дунёнинг етакчи клиникаларида малака ошириб келди. Ўзбекистон тиббиётидида энг катта янгиликлардан бири сифатида трансплантация амалиётининг йўлга қўйилганини айтмоқчиман. Хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда буйрак, жигар ва ўзак ҳужайра трансплантацияси бажарилаётган. Шунингдек, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан хусусий секторни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича қароридан сўнг Ўзбекистондаги хусусий клиникалар сони сўнги йилда 3040 тадан 4073 гага ошди. Мамлакатимиз тиббиёт тарихида биринчи марта хусусий клиникаларга деярли барча йўналишларда, хусусан, абдоминал жаррохлик, торакал жаррохлик, нейрохирургия, онкология, травматология ва бошқар жаррохлиги бўйича лицензия беришга рухсат этилди. Миллий эмлаш календарига бўйича мамлакатимизда болалар 12 та бошқарилган инфекцияга қарши давлат ҳисобидан профилактик эм-

ланади. Юқумли касалликларга қарши эмлаш учун сарфланадиган маблағлар тўлиқ давлат бюджетидан ҳисобидан қоланиб, эмлаш қамрови 99,5 фоизга етказилди. Натижада 2017 йил Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилати томонидан Ўзбекистон қизамик ва қизил касалликлардан холи ҳудуд, деб эътироф этилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадманов.

Эслатиб ўтамиз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 71-сессияси шу йилнинг 26 майигагача давом этади.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Ахборот хизмати.

«ҲАМ БЕМОР, ҲАМ ДОНОР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ОСОН ЭМАС...»

Маълумки, жорий йил 6 апрель куни Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва Туркия шошилич тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Унга кўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий стандартлар асосида фаолият юритишни янада такомиллаштириш, аҳолига ўз вақтида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, юқсак профессионал салоҳиятга эга малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Айтиш керакки, юртимизда ушбу соҳа ривожига давлат даражасида эътибор қаратилаётгани унинг нақадар муҳим роль ўйнашини кўрсатиб турибди. Қолаверса, бу борада Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 16 мартдаги «Шошилич тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 25 январдаги «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси натижасида тез тиббий ёрдам шифохоналари фаолияти янада яхшиланмоқда. Яъни тез тиббий ёрдам



хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасалари билан самарали интеграциясини таъминлаш, моддий-

техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳон тиббиёти ва илм-фан ютуқларини чуқур ўзлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш каби самарали фаолиятлар йўлга қўйилди.

Хабарингиз бор, 2018 йилнинг 6-8 апрель кунлари имзоланган меморандумга кўра, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида Туркия ва Европа давлатларида трансплантология йўналишига асос қўйилган профессор Мехмет Хаберак иштирокида буйрак трансплантацияси муваффақиятли бажарилган эди. У буйрак кўчириб ўтказиш бўйича 1 минг 832 та, жигар кўчириб ўтказиш бўйича эса 344 та операцияга бевосита раҳбарлик қилган. **Жорий йилнинг 18-19 май кунлари ҳам 6 нафар беморда ана шундай юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди.**

– Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни доим кузатаман, – дейди **туркиялик профессор Мехмет Хаберак.** – Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан бугун мамлакатингиз ҳар жабҳада тез ривожланиб бор-

Онанинг қувончлари

– Ўғлим Умиджон 8 ой давомида диализ олиб келган эди, – дейди **Умиджоннинг онаси Нилуфур Абдуқаюмова.** – Гемодиализга тушиб қолгач, шошилич равишда ушбу муассасага келтирилди. Сўнг, шифокорлар текшириб, операцияга тайёрланди. Шукрки, мутахассислар томонидан буйрак кўчириб ўтказиш трасплантацияси муваффақиятли амалга оширилди. Ўғлимга турмуш ўртоғим ўз буйрагини бериб, соғлом ҳаёт бахш этди. Ҳозирги кунда Умиджон ва отасининг аҳоли яхши. Аввало, ана шундай имконият яратиб берганлари учун Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевга ҳамда барча шифокорларга ҳамшираларга ўз ташаккурини айтишдан асло чарчамайман. Кўз олдингизга келтириб кўринг-а, ҳам бемор, ҳам донор ҳаётини сақлаб қолиш осон эмас. Уларнинг маҳоратига тан берамиз. Шу билан бирга, поликlinikликнинг умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси доим хабардор бўлиб туришибди. Ҳозирда икковларнинг тўғри овқатланишига алоҳида эътибор қаратялман, парҳезга амал қилияпти. Умиджоннинг ҳаётга бўлган иштиёқи ҳар қачонгидан кўра ортди. Бундан менинг ҳам қувончим чексиз. Сабаби, она учун фарзандини соғлом, доим қулиб юришини кўришдан ортиқ бахт йўқ, менимча.



лаш соҳасида самарали фаолиятлар олиб борилиб, қатор давлат дастурларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятларингизда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, жумладан, ихтисослаштирилган ҳамда шошилич тиббий ёрдам хизмати фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилаётгани диққатга сазовор, албатта. Таъкидлаш керакки, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида буйрак трансплантациясини бажаришга катта тайёргарлик кўрилган бўлиб, барча шарт-шароитлар яратилган. Мутахассислар малакаси ёки техник имкониятларни айтмайсизми, буйрак бarchаси юқори савияда ташкил этилган. Бу эса мазкур ўтказган жарроҳлик амалиётларимизга ўзининг таъсирини кўрсатиши табиий. Мана, гувоҳи бўлганингиздек, ана бир инсонга соғлом буйрак кўчириб ўтказилди. Шукрки, бу жараён муваффақиятли бажарилди. Яна бир жиҳат, ушбу муассаса шифокорларида органлар трансплантацияси бўйича етарли билим ва маҳорат мавжуд. Ўзим-

нинг касбий қасамёдимга содиқ қолган ҳолда, ана бир беморга соғлом ҳаёт бахш этиш учун доим тайёрлигимни айтмоқчиман.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жорий йил 6-8 апрель кунлари Марказда носоғлом буйракдан азият чеккан янги-ўғли Умиджон Абдумажидовга отаси Илғор Абдуқаюмовнинг буйраги кўчириб ўтказилган эди. Муассасада навбатдаги текширувдан ўтиш учун келган ушбу беморларнинг соғлиғи билан қизикдик.

– Ўзимни анча энгил ҳис қиляпман, – дейди **Умиджон.** – Олдимга кўйган мақсадларим сари интилишим учун яна бир йўл очилди. Энди мен ҳам бошқа тенгдошларим қатори соғломман. Бунинг учун ёрдам берган барча шифокорларга миннатдорлигимни билдираман. Улардаги маҳорат, касбига бўлган садоқатни кўриб, менда ҳам ушбу касбни эгаллашга бўлган қизиқиши янада ортди. Улар каби инсонларни дарддан фориғ қилиш ниятидаман.

Хулоса ўрнида

Отанинг ўғлига, онанинг қизига, ака-ука, опа-сингилнинг эса ўз жигарбандига соғлом тана азоси, буйрак, жигарини бераётгани қувонарли ҳол, албатта. Бу билан улар яқинларининг соғлом ҳаёт кечиршиларини таъминлаб, хурсандчиликларига шерик бўлишмоқда. 5-6 соат мобайнида даво этган операция жараёнини кузатар эканмиз, ҳам бемор, ҳам донорнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокордан икки қарра қўп масъулият ва маҳорат талаб этилишининг яна бир бор гувоҳи бўлдик. Жарроҳлик амалиётидан сўнг оиласи бағрида соғлом юрганлигини кўриб соҳа ходимларининг малакасига тан берасан, киши. Ўз навбатида бундай эзгу фаолиятлар мамлакатимиз тиббиёти ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаётгани, осмон мусаффо бу юрда инсон кадрини азизлигидан дарақдир.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Фан ютуқлари

Жаҳонгир СОДИКОВ

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази врач-нефрологи:

– Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари асосида тиббиётимиз янги босқичга кўратилди, десам муболага бўлмайди. Жумладан, марказимиз, унинг вилоятлардаги филиаллари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари янада яхшиланмоқда. Яъни ушбу фаолиятларда замонавий илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрлар тайёрлаш борасида илғор усуллар жорий этилиб, юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Масалан, Юртбошимизнинг ташаббуси асосида мамлакатимизда илк бор дунё тиббиётда энг мураккаб ва нозик амалиёт ҳисобланган органлар трансплантацияси бўйича замонавий операциялар амалга оширилаётганини эътироф этиш керак. Сабаби, бу каби жарроҳлик амалиётлари фақатгина ривожланган давлатлардагина бажарилади. Фаолиятим давомида беморларни нафақат трансплантацияга тайёрлайман, балки операциядан сўнг уларнинг саломатлиғи билан мунтазам хабардор бўлиб туриш ҳам асосий вазифамдир. Бемор операцияга тахминан 2 ҳафтадан 1 ойгача бўлган вақт мобайнида тайёрланади. Ўз навбатида жарроҳлик амалиётидан сўнг 2 ҳафта давомида муассасамизда назоратда бўлади. Уйга жавоб берилган ҳам амбулатор шартда текширувдан ўтади, яъни ойида бир марта чуқурлаштирилган тиббий текширувлар амалга оширилади. Шу билан бирга, ўз ҳудудидаги поликлиника шифокорлари томонидан назоратга олинади. Масалан, Умиджон Абдумажидовга отасининг буйраги кўчириб ўтказилганига 40 кундан ошган бўлса, ҳозирда ҳар ҳафта аҳолидан хабар олинмоқда. Бугунги кунда туркиялик ҳамкорларимиз билан бирга 6 та ана шундай жарроҳлик амалиёти амалга оширилди. Улардан бири муассасамизда биринчи марта эридан турмуш ўртоғига буйрак кўчириб ўтказилди. Шунингдек, ана бир шу каби жарроҳлик амалиёти пойтахтимизда истикомат қилувчи Анвар Алиевга амалга оширилди. Унга отаси Камол Алиев ўз буйрагини бериб, зурриёдини дарддан халос этди. Айтиш жоизки, мазкур жараёнлар олинб бажарилди. Бу эса мамлакатимизда халқ манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигининг амалий ифодасидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимиз шифохоналарида

Самарқанд вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИЯТИ

Республикамизда инсон саломатлиги ҳамда унинг манфаатларига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли барча соҳаларда фаолиятлар изчиллик билан олиб боришмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам ишлар тўғрисида йўлга қўйилган бўлиб, соҳага оид қабул қилинаётган қарорлар ижроси бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолига малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходимлари ижобий натижаларга эришмоқдалар. Муассаса фаолияти тўғрисида марказ директори Хуршида Матлюбова қуйидагиларни айтиб ўтди:

– Бугунги кунда жамоамизда 107 нафар шифокор (улардан 4 нафари тиббиёт фанлари номзоди) ва 313 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда. Шифо масканимизда 320 та ўрин мавжуд бўлиб, 2017 йилда 13 та бўлимда 10 минг 957 нафар бемор даволанган. Маслаҳат поликлиникасида эса 89 минг 633 нафар фуқаро тиббий текширувлардан ўтказилган. Марказнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, беморларни текшириш жараёнини такомиллаштириш, тиббий сифатни яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида муассасамизга бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан кўплаб янги замонавий диагностика даволаш аппаратлари олинди. Шу жумладан, компьютерли спирограф, видеогастроскоп, видеоэндоскоп ва видеоколоноскоп аппарати, ультратовушли денситометр, компьютерлаштирилган 3 каналли ЭКГлар, 3 ва 4 ўлчамли УТТ аппаратлари, рақамли флюорограф ПроСкан-2000, видео-эндоскопик ЛОР комбайни, электроэнцефалограф, эхоэнцефалограф, мембранали плазмодиферез "Гемофеникс", кольпоскоп, тўлиқ автоматлаштирилган биохимик анализатор BS - 200, аудиометр МА-53, электронейрограф,

га), ЛОР ҳамда рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимлари алоҳида фаолият кўрсатиб, мазкур бўлимларда 2017 йилда 4083 та операциялар ўтказилган. Умумий жаррохлик ва қон томирлари жаррохлиги бўлимларида ҳам кўплаб операциялар бажарилган бўлиб, операцияларнинг 80 фоиздан ошиб кетган. Беморлардаги тахлилият натижаларни аниқлашда лаборато-

ҳамда рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимлари ташкил қилинди ва улар фаолият кўрсатмоқда.

Рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимида беморларга диагностика текширувлар ва коронар артерияларни стентлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур бўлим 2017 йил 29 майдан фаолиятини бошлаган бўлса, Россия федерациясининг Москва шаҳри ва пойтахтимизда ушбу йўналиш бўйича малака оширган шифокорларимиз, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг малакали ходимлари билан биргаликда, ҳозирда эса ўзлари юрак қон-томирларида коронарография диагностика текширувлари ва стент қўйиш амалиётларини бажаришмоқда. Ушбу Рентгенэндо-

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Кейинги йилларда гемодиализ ва ангиокардиография аппаратларига бўлган эътиб ошганлиги сабабли, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2016 йилдан 8 та гемодиализ аппарати ва 2017 йилда ангиокардиография ("Philips") ускунаси берилиши муносабати билан марказда сунъий буйрак (Гемодиализ) ва рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимлари ташкил қилинди ва улар фаолият кўрсатмоқда. Рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлимида беморларга диагностика текширувлар ва коронар артерияларни стентлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

ник, гематологик, биокимёвий, бактериологик иммунологик, цитологик тахлиллар муваффақиятли бажарилмоқда. TORCH ва ОИВ инфекцияларига, гепатит В ва С, гормонларга ва онкомаркерларга СА 19-9, СА 125, PCA

лактикаси (венос филтратларни ўрнатиш (Кавафилтрат), бачадон миомасида эмболизация қилишдан иборат бўлиб, бу каби шароитлар вилоят аҳолисига жойида ихтисослаштирилган ёрдам



рия бўлимининг аҳамияти катта бўлиб, ҳозирги вақтда ўтказилган тахлиллар тури 200 тага етган. Реактивлар билан тўлиқ 100 фоиз таъминланган. Шу жумладан, юқори аниқликда иш-

вааскуляр жаррохлик (Ангиография) бўлим ЭКГ, Кардиомонитор, Дефибрилятор аппаратлари билан ҳам жиҳозланди. Шунингдек, сунъий буйрак (Гемодиализ) бўлимида ҳозирги

альфа-фето-протеин ва хеликобактер текширишлар ўтказилади. Эндоваскуляр хирургиянинг текшириш ва даволаш имкониятлари қуйидагилардан, яъни коронароангиография,

кўрсатмоқда. Албатта, марказимизга олинган барча замонавий аппаратларнинг мавжудлиги вилоятимиз аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Аввало, шуни айтиш лозимки, фаолият самарадорлиги асосан, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шундай экан, мутахассисларимиз малакасини оширишда барча шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, улар чет давлатларда тажрибаларини бойитиб қайтмоқда. Вилоятимиз аҳолисига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида мутахассисларимиз томонидан йиллик режа тузилган бўлиб, худуднинг барча туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларига маслаҳат ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, кишлоқ аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда тиббий тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тиббиёт тизимига бўлган эътиборлари фаолиятимизни такомиллаштириш ҳамда халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бор билим ва тажрибамизни ишга солиш муҳимлигини, шунингдек, касбимизга янада масъулиятли ёндашишимизни талаб этади. Шу маънода меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳар бир тиббиёт ходимининг вазифаси экан, барчамиз ҳамжихатликда меҳнат қилишимиз зарур, деб биламан.

юрак тож томирларини ангиопластикаси, реканализация ва стентлаш амалиётлари, буйрак артериялари, брахиоцефал артерияларнинг ва оёқлар артерияларнинг ангиографияси, аортография, буйрак артериялари, брахиоцефал артериялари ва оёқлар артерияларининг ангиопластикаси, реканализация ва стентлаш амалиёти, электрокардиостимуляторларни имплантация қилиш, церебралангиография, вентрикулография, ангиопульмонография, флебография, холангиография, ўт йўллари дренажлаш, тромбозэмболия профи-

Хулоса шуки, марказ фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, мазкур тиббиёт муассасида даволанувчилар учун барча шароитлар яратилганлигини қўриб мамнун бўлиш. Яна шуни таъкидлашимиз керакиди, шифо масканидан энг сўнгги русумдаги замонавий аппаратларнинг мавжудлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги аҳоли орасида касалликларнинг олдини олишда ижобий кўрсаткичларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ибодат СОАТОВА ёзиб олди.
Муаллиф олган суратлар.



ПЦР лаборатория аппарати, Аргон-плазмали электрокоагулятор, Видеоэндоскопия ускунаси "ОЛИМПУС" Видеокольпоскоп ҳамда замонавий сунъий нафас олиш аппарати, шунингдек, физиотерапевтик аппаратлардан компьютерли умуртқа чўзиш ускунаси, лазеротерапия ҳамда магнитотерапия, гидрокслонотерапия каби замонавий аппаратлар ёрдамида беморларга тўғри ташвиш қўйиш ҳамда даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг баробарида, марказга 2015 йилда Эндовидеожаррохлик ускуналари тўпламлари олинди ва малакали хирургларимиз томонидан умумий жаррохлик ҳамда урологик операциялар ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, умумий жаррохлик, проктология, урология, қон томирлари жаррохлиги, микрожаррохлик (нейрожаррохлик билан бир-

Лабораторияда умумий клиник, гематологик, биокимёвий, бактериологик иммунологик, цитологик тахлиллар муваффақиятли бажарилмоқда. TORCH ва ОИВ инфекцияларига, гепатит В ва С, гормонларга ва онкомаркерларга СА 19-9, СА 125, PCA альфа-фето-протеин ва хеликобактер текширишлар ўтказилади.

лайдинг ПЦР лаборатория имкониятларидан беморларга аниқ ва тўлиқ ташвиш қўйишда кенг фойдаланилмоқда. Ички дорихонада 31 турдаги стерил эритмалар ва улардан ташқари турли хил ичиш учун ҳамда ташқи қўлланувчи дори воситалари тайёрланади. Бу билан даволанувчиларнинг сарф-харажатларини камайтиришга эришилмоқда.

Кейинги йилларда гемодиализ ва ангиокардиография аппаратларига бўлган эътиб ошганлиги сабабли, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2016 йилдан 8 та гемодиализ аппарати ва 2017 йилда ангиокардиография ("Philips") ускунаси берилиши муносабати билан марказда сунъий буйрак (Гемодиализ)

вақтда 138 нафар амбулатор бемор хар 3 кунда гемодиализ сеанси олиб даволанмоқда. Муассасамизга академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик Ф. Назиров бошчилигидаги етук мутахассислар келиб, "Маҳорат дарслари" ўтиши, бевосита жаррохлик операцияларини ҳам амалга ошириши. Бундан ташқари, ўтган йилнинг октябр ойида Россиядан онкохирург ва ноябр ойида Москва шаҳридан кардиологлар ташриф буюриб, беморларга маслаҳатлар бериш билан бирга, ходимларимизга долзарб мавзуларда мазрузалар қилинди.

Лабораторияда умумий кли-

Конференция

МАҚСАДЛИ ҲАМКОРЛИК: ФАОЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий профилактика назоратини кучайтириш. Табиийки, ушбу жараёнлар илм-фан раванқи ва тиббиёт тараққиёти билан чамбарчас bog'лиқ масала. Шу боис, айна пайтда мамлакатимизда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган фаолиятларга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Мақсад аниқ, касалликларнинг олдини олиш, халқимиз саломатлигини асраш ва уларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишдир.



Шу маънода бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар доирасида соҳага татбиқ этилаётган янгиликлар, инновацион гоёлар, юқори технологияли амалиётлардан хабардор бўлиб бориш, бу борада халқро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Натихада халқро доирада ўзаро фикр алмашилмоқда, мутахассислар малакаси мустаҳкамланиб, касалликларнинг олдини олишда салмоқли самарадорликка эришилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг **22 май куни Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистонда END-TB – “силни тўхтатиш” стратегиясини ҳаётга татбиқ этишда илм-фан ва инновацион технологиялар билан ҳамкорлик интеграцияси** мавзусида ташкил этилган халқро конференция фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

АҚШ, ЖАР, Латвия, Россия, Швейцария, Қозғистон сингари жаҳоннинг 10 га яқин давлатидан 15 нафардан ортиқ чет эллик мутахассислар иштирок этган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактикаси ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Фаррух Шарипов кириш сўзи билан очиб, вазирлик ҳамда АҚШнинг Халқро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган фаолиятларда Президентимиз Таъкидлаганидек, аҳоли ўртасида тиббий профилактикани кучайтириш, касалликларнинг олдини олиш масаласида алоҳида эътибор қаратилаётганлигига тўхталиб ўтди. Айниқса, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти мисолида қўлга киритилаётган натижалар, хусусан, силга қарши кураш хизмати сифатини яхшилаш, касалликни даволаш ишларида қўлла-нилаётган янги амалиётлар ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг, тадбир иштирокчиларига халқро мутахассислар ва конференциянинг кун тартибидан ўрин олган масалалар таништирилди. Таъкидлаш жоизки, 22 май куни марказ ҳамда Тошкент

ҳам ҳисобга олиш керак. Масалан, мен силга қарши курашда техник ёрдам кўрсатишни АҚШ тажрибаси мисолида ёритиб бердим ва бу борадаги ўз тажрибаларим билан ўртоқладим. Фаолиятим давомиде беморларни бошқариш, сил ва ОИВ соҳасидаги дастурларда иштирок этиб келаяман. Айна пайтда шу мақсаддаги йўналишларда олиб борилаётган ишларнинг Африка ва Марказий Осиё давлатларидаги мессияларининг қўлла-қувватларини таъминлашга ҳаракат қилаяман. Кузатишларим орқали мамлакатингизда сил касаллигини аниқлаш, даволаш ҳамда у билан bog'лиқ муаммоларни кескин камайтириш бўйича эришилаётган натижалар билан яқиндан танишман ва бу тажрибани янада кенг қўлама давом эттириш керак, деб ҳисоблайман. Зеро, қарашларимиз турли бўлишидан қатъи назар мақсадларимиз бир – бутун инсониятни сил касаллиги асоратларидан халос этиш ва жамият фаровонлигини оширишдир.



тиббиёт академиясида, 23-24 май кунлари Қашқадарё вилоятида ўтказилган маҳорат дарсларида силни тезкор аниқлаш ва самарали даволашда лаборатор диагностиканинг инновацион амалиётлари, тиббиёт муассасаларида хавфсизликни таъминлашга қаратилган инфекция назорат, дори воситаларидан раціонал фойдаланишга мўлжалланган Qual-TB тизими ёрдамида прогноз қилиш, беморга йўналтирилган ёндашишни юриштишда ўрта тиббиёт ходимининг роли ҳамда силга қарши курашда фуқаролик жамоатчилигини жалб қилиш каби долзарб мавзулар қамраб олинди.

Севим АХМЕДОВ,
USAIDнинг сил касаллиги бўйича техник масалалар катта маслаҳатчиси,
тиббиёт фанлари доктори,
АҚШ:

– Аввало, мамлакатингизда таширфимдан мамнунман. Бугунги кунда ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази мутасаддиларига миннатдорлик билдираман. Сабаби, ушбу конференцияда етакчи мутахассислар иштирокида силга қарши курашнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди. Аслида бу ерга йиғилганларни бир жойга тўплаш жуда қийин масала. Қўриб чиқилаётган масалалар юзасидан уларнинг уйғунлашган фикрлари эса силга қарши кураш чораларида муҳим ҳулоса, қарорлар чиқаришга асос бўлади. Шунинг учун ҳам USAID бу каби ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Фикрлашган мавзуларнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

– Конференция доирасида яқинда марказ қошида фаолияти йўлга қўйилган инновацион мониторинг ва тренинг маркази орқали европалик профессор-олимлар ва Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилояти мутахассислари тўғридан-тўғри ўзаро фикр алмашишди.
– Марказ томонидан ташкил қилинган шарт-шароитлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сил касаллиги билан bog'лиқ аломатларни қисқа вақт ичида аниқлаш ва даволаш ишларини бошлаш имконияти яратилган.
– END-TB – “силни тўхтатиш” стратегиясининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида сил касаллиги тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар сезиларли даражада такомиллашди.

ларга ўрнатилмоқда. Кувонарлиси, яқин кунларда улар сони яна 10 тага кўпаяди. Жойларда яратилган шарт-шароитлар эвазига бугунги кунда сил касаллиги билан bog'лиқ аломатларни исталган ҳудудда икки соат ичида аниқлаш ва даволаш ишларини бошлаш имконияти мавжуд. Талаб этиладиган дори воситалари билан оз фойза таъминланган. Бу борада халқро ташкилотлар, хусусан, USAID билан ҳамкорликда узоқни кўлаб, аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолиятлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, яқинда марказ қошида масофадан туриб онлайн тарзда ташхис қилиш, касалликлар устида фикр алмашиш имконини берувчи инновацион тренинг маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги END-TB – “силни тўхтатиш” стратегиясининг амалиётга татбиқ этилиши ҳам фаолиятларимизни янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Жумладан, Миллий дастурнинг олдига қўйилган асосий вазифалар – силдан касалланиш ва ўлимни камайтириш, хасталик кенг тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади.

рига тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда тиббиёт ҳамшираларининг роли мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим. Унда бу борада ҳамширага қўйиладиган талаблар, у томонидан амалга оширилаётган вазифаларга оидкири киритилган. Ўтказилган маҳорат дарсларида бошқа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини кўзатдим. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказидаги ҳамширалар иши билан ҳам яқиндан танишдим. Мутахассис сифатида улар фаолиятини тўғри баҳолайман. Албатта, бу касб эгалари олдида мутахассислиги бўйича талаблар қўйишдан олдин, улар учун зарурий шароитларни яратиб бериш керак. Йўналишига қараб улар билим ва кўникмаларини ҳам ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, конференциянинг мантқиқий давоми Қашқадарё вилоят фтизиатрия диспансерида давом эттирилди. Улар доирасида ўтказилган маҳорат дарслари ва кенгайтирилган анжуманда дориларга чидамли сил касаллигининг диагностикасида замонавий тезкор усуллар: регионал бактериологик лабораториялар фаолиятини мувофиқлаштириш, силга қарши дори воситаларининг менежментини такомиллаштириш учун Quan-TB дастурини қўллаш, сил касаллигининг инфекция назорат тизими – шифохона ичи инфекцияси тарқалишининг олдини олиш гарови, силга қарши янги дори воситалари ва қисқартирилган даволаш тартиби, беморларни стационар ва амбулатория босқичида даволашда силга қарши дориларнинг ноқўра таъсирини кузатишда ҳамширалар амалиёти, касаллик диагностикаси ва даволашни назорат қилишда инновацион лаборатория технологиялари, болалар сил касаллиги, ўпка силни даволашда инновацион ёндашувлар, жаррохлик ёрдамида даволаш моделлари ва шу каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар жаҳон тажрибаси билан таққосланди, мавжуд муаммо ва камчиликларга самарали ечим изланди.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, марказда йўлга қўйилган самарали фаолиятлар натижасида сўнгги йиллар мобайнида сил касаллигига қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Халқро миқёсда олиб борилаётган кенг қўламли ҳамкорлик алоқалари эса мазкур натижалар салмогини янада оширишга хизмат қилади. Тадбир сўнггида Ўзбекистонда сил бўйича назоратни кучайтириш ва у тўғрисида юзага келадиган талафотни камайтиришга қаратилган зарурий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳасан АБДУФАНИЕВ,
Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

АЛЛЕРГОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШ ДАВР ТАЛАБИ

МУНОСАБАТ ВА ТАКЛИФ

2018 йилнинг 11 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши, аллергиялогик муаммолар ечимини ҳал этишда муҳим ҳужжат вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Кейинги йилларда дунё бўйича аллергия касалликлар кўрсаткичининг ошиб бораётганлиги барча мутахассисларни ташвишга солмоқда. Ушбу касалликлар қаторига бронхиял астма, анафилаксия, дори ва озиқ-овқат аллергияси, аллергия ринит, ҳашаротлар захри аллергияси, Квинке шиши каби хасталикларни санаб ўтиш мумкин. Сўнгги 10-20 йилликда аллергия касаллигининг ёшаранглиги, айниқса, болаларда оғир кечаётганлиги долзарб муаммога айланмоқда. Маълумотларга қараганда, ривожланган давлатларда ҳам аллергия касалликлари бор беморларга биринчи ёрдам бериш сифати талаб даражасида эмаслиги таъкидланган. Республикаимиз бўйича аллергия беморларга махсус тиббий ёрдам кўрсатиш ўрнига аллергия касаллик ҳисобланган нозологияларни пульмонолог, отоларинголог, дерматолог каби тор соҳа мутахассислари даволаб келмоқдалар. Бу эса баъзи ҳолатларда ноадекват терапияга ва оғир асоратлар, хусусан, бронхиял астманинг оғир турларига келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистика маълумотларига кўра, аллергия ринит билан касалланганлар сонини юз миллионга инсонлар, астма билан хасталанганлар эса 300 миллионга ташкил этади. Республикаимизда ҳам касаллишни кўрсаткичи ниҳоятда баланд, болалар орасида бронхиял астма билан касалланиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Шу ўринда ушбу касалликларни стандартларга мос равишда даволаш, асосан аллергиялог мутахассисларнинг вазифасига қиради. Агар юқорида таъкидланганимиздек, беморлар тор соҳа мутахассислари томонидан аллергия касалликларга қўйилган турли хилдаги ташхислар орқали даволанса, салбий оқибатларга олиб келиши, ҳатто ўлим ҳолатлари содир бўлиши кузатилади. Шу боис, аллергиялоглар томонидан ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилиши даврнинг муҳим талабига айланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЖССТ экспертлари хулосасига кўра, ҳар йили дори аллергиясидан 150.000 киши вафот этади. Аллергик касалликлар учун клиник ёрдам кўрсатиш хизмати деярли мавжуд эмас, чунки беморлар диагностика ва даволаниш мақсадида бошқа альтернатив тиббий мутахассисларга мурожаат қилишади.

Ҳар бир шифокор аллергиянинг турли кўринишларига дуч келади, масалан, дори препаратлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик, маший вазиталар, кимёвий моддаларга, хусусан, кийимлар, синтетик матолар, косметика воситалари, гигиена маҳсулотлари, турли тақинчоқлар ва кўпгина бошқа воситаларга ноадатий реакциялар кўрсатиш каби ҳолатларга. Афсуски, шифокорлар беморларга адекват ёрдам кўрсатишга тайёр бўлмайдилар. Ҳозирги вақтда бирламчи тизимда 85 фоиз беморлар, аллергиялог мутахассисларига эса 15 фоиз беморлар мурожаат қилишади. Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогика маркази (РИИАМ) маълумотларига қараганда, 60 фоиз ҳолатларда бронхиял астма касаллиги бирламчи тизимда фаолият юритаётган тиббий ходимлари томонидан нотўғри ташхис

қўйиши орқали касаллик кечикиб, аллергиянинг оғир асоратларига олиб келади. Кеч ташхис қўйилиши, нотўғри даволаш, иккиламчи профилактиканинг ўтказилмаслиги натижасида, Ўзбекистон Хитой ва Россиядан кейин астма касаллиги ўлим кўрсаткичи бўйича 3-ўринни эгаллайди. Энг ачинарлиси шундаки, бу касалликлар асосан 5-35 ёшдаги аҳоли орасида оғир кечмоқда. Маълумки, бу ёш оралағи меҳнатга лаёқатли даврни ҳамда келажак авлод захирасини ташкил этади. Олий таълим тизимида ташкилий-структур ўзгаришлари ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мос равишда замонавий аллергиялогиянинг юқорида кўрсатилган оғирлик нукталарига амалиёт шифокорларининг ўрни алоҳида бўлишини таъкидлаш лозим. Шу ўринда айтиш муҳими, масалалар ечимини ҳал этишда соғлиқни сақлаш тизимида аллергиялогия соҳасида илм ва таҷрибага эга бўлган шифокорлар зарур. Албатта, бу нафақат даволувчи соҳадаги шифокорлар, балки стоматолог ҳамда гигиенистларга ҳам тегишлидир. Афсуски, ҳозирги кунда "клиник аллергиялогия" курси учун келган даволаш ҳамда тиббий-педагогика факультети талабаларида, деярли базавий билимлар талаб даражасида эмас. Стоматология факультетиде эса бу курс ўқитилмайди, ҳаттоки шифокор стоматолог амалиётида оғиз бўшлиғида учровчи дори аллергиясининг оғир тури 80-90 фоиз ҳолларда ўлимга олиб келувчи кўп шакли эритема, Стивенс-Джонсон ва Лайелла синдроми каби аллергия касалликлар билан зарарланишига олиб келади. Шу сабабдан шифокор стоматолог бу реакциялар келиб чиқиши тўғрисида ташхислай билиши, даволай олиши ҳамда кесишув реакциялари ҳақида оғохлантириши керак. Бундан ташқари, шифокор стоматолог анестезия ўтказилаётган пайтда келиб чиқувчи шошилин ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиши муҳим. Олий маълумотли тиббиёт ходимини тайёрлашда профилактика соҳасига керакли даражада катта эътибор қаратиш лозим. Бу эса санитар-гигиена соҳада таълим олувчи талабаларга экология аллергиялогия фанидан дарс олиши зарурлигини кўрсатади. Урбанизация ва аллергия касалликлар олдини олиш ва гигиена муаммоларни бартараф этишда оила, мактаб, ишхона, атроф-муҳит катта роль ўйнайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда куйидаги таклифларни киритмоқчиман:

1. Олий таълим тизимида махсус аллергиялогия ва клиник иммунология фанини тиббиёт олий ўқув юртинларининг барча факультетларида (камида 70 соат) киритилиши лозим (даволаш, стоматология, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика), чунки келгусида етук мутахассис-шифокорлар ўз фаолиятида аллергия хасталикларининг ривожланиши патогенезини мукамал билиши ҳамда даволай олиши керак. "Аллергология ва клиник иммунология"ни фан сифатида ҳозирги кундаги аҳоли ниҳоятда ачинарли, боиси, бакалаврлар айти кунда бор йўғи 26 соат амалий машғулот ва 4 соат маъруза тинглайдилар. Демак, даволаш ва тиббий-педагогика факультетларида бор йўғи 30 соат дарс ўтилади. Ваҳоланки, хориз стандартларида тиббий олий ўқув юртинларининг талабалари

аллергология клиник иммунология кафедраларида 70 соатли цикл дарсларини ўқийдилар. Ҳарбий тиббиёт факультетиде 2017/18 ўқув йилидан клиник аллергиялогия фани олиб ташланди. Тиббий-профилактика ва стоматология факультетларида эса клиник аллергиялогия фани мутлақо ўқитилмайди.

2. Аллергология ва клиник иммунология ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрловчи клиник ординатурага сўнгги 3 йил давомида 3 та ўрин ажратилган (Республика миқёсида ягона бўлган базада).

3. Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда аллергиялогия ва клиник иммунология фанини ўқитиш тизимини қайта кўриб чиқиш лозим ҳамда аллергиялогия ва клиник иммунология ихтисослиги бўйича магистратура йўналишини очиб, магистрлар ўқитилишини йўлга қўйиш керак.

4. Марказимизда диагностика ва даволаш мақсадида ишлатилувчи аллергиялоглар билан таъминот даражаси ҳам яхши эмас. Бунинг сабаби, аллергиялог импорт Россиянинг "БиоМед" заводидан олиб келинган. "Дори-дармон" акциядорлик компаниясининг 27.03.2018 йилдаги 09-11/554 сонли хатига асосан Республикаимизда ишлаб чиқарилайдиган дори-дармон ва бошқа воситаларни олиб келиш тақиқлангани ҳамда келгусида аллергиялог олинишида фармакология кўмитасидан ҳар доим бир маротабалик рухсатнома талаб қилиб келинади. Сўнгги даврга келиб ушбу воситалар хоризжий валюта бўйича ҳисоб-китоб, аллергиялог нархи ниҳоятда юқори бўлганлиги сабабли уларни республикаимизга олиб келиш катта маблағ талаб этади. Лекин аллергиялог амалиётда тахисот, махсус иммунотерапия ўтказиш учун ниҳоятда зарур. Бу эса болалар, ўсмирлар орасида аллергия хасталикларнинг оғир асоратлари профилактикасида жуда муҳим. Ушбу йўналишда республикаимизда ўсадиған ўсимликлардан юқори аллергиялог хусусиятга эга эрмон, шувок, сули, терак, бошоқли ўсимликлардан ажратилган аллергиялоглар ишлаб чиқиш бўйича янги фоя ва таклифлар киритиш мақсада мувофиқ, Буларни амалга оширишда мамлакатимиз олимлари ва соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

5. РИИАМ корпуси – жойлашуви, ҳеч бир гигиена талабга жавоб бермайди. ТМА 2-клиникаси 8-биносида, яъни йирингли хирургиянинг биринчи қаваатида жойлашган. Республика аллергиялогия илмий ихтисослашган маркази Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси қошидаги янги қурилган "Диетология" маркази қошида очилса мақсада мувофиқ бўлар эди.

6. Марказда тахисот бўлими ҳам йўқ. Поликлиника бўлими қошида 1 хонадан иборат лаборатория бўлиб, унда фақат умумий қон ва сийдик, 1 та эски иммун полианализаторда IgE аниқланади. Ваҳоланки, ген даражасида аллергия хасталикларнинг олдини олувчи янги тахисот асбоб-ускуналари мавжуд ва уларни амалиётда қўллаш мумкин.

7. Поликлиникага 1 ойда – (930 та режада) лекин амалда 1200 та бемор Республика худудларидан мурожаат қилишади, шароитлар янчили ҳолатда, муолажа хонаси 1 та ва унда замонавий аллергиялог билан махсус синамаларни босқичма-босқич ўтказишнинг иложи йўқ.

8. Аллерголог мутахассисларнинг малакасини оширишда ҳам қатор муаммолар бор. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти раҳбариятига ССВнинг 250-сонли бўйруғига асосан илгари ҳам мурожаат этилган. Лекин

соатлар тақсимотида мавжуд муаммолар бўлганлиги сабабли ханузгача малака ошириш дарслари Тошкент врачлар малакасини ошириш институти пульмонология ва клиник аллергиялогика кафедрасида пульмонологлар томонидан олиб борилади. Наҳотки, аллергиялогларга пульмонологлар машғулот ўтишига? Буни қандай изохлаш мумкин?

Ана шундай ўз ечимини тополмаган муаммолар ва камчиликлар борки, уларни ўз вақтида англаб, неғизига етиш, бу борада оқилона ва одилона ечимларни танлаш, амалий тиббиёт ва тизимга жорий қилишнинг даври келди.

Таъкидлаш муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган мазкур қарор юқорида баён этилган муаммолар ечимини қўламини белгилаб берди:

1. Аллергология соҳасида пойдевор ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергия касалликларини профилактика қилиш, уларга молукуляр асосдан ташхис қўйиш, даволаш бўйича ягона марказлашган тизимни яратиш ҳамда аллергия касалликларини эрта аниқловчи скрининг дастурларини барча худудларда ташкил этиш.

2. Соғлиқни сақлаш амалиётига илм фаннинг ижобий ютуқларини жорий этиш имконини берувчи биотиббиётнинг умумжаҳон ютуқлари билан боғлиқ ҳолда илмий-тадқиқот ишлари қўламини кескин ошириш, тахис ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш.

3. Даволаш муасасалари моддий-техника базасини яхшилаш билан бир қаторда дори-дармон, тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражасини яхшилаш.

4. Клиник аллергиялогия ва иммунология соҳаларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини яхшилаш, бу борада етакчи ҳамда илгор бўлган давлатларнинг тиббий муасасалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

5. Қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, аллергиялогия соҳасига оид давлат грантлари ва инвестицияларни жалб қилиш, аллергиялогия ривожлантиришга қаратилган анжуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, жумладан, ТШПТИ ва ТТА да клиник аллергиялогия ва клиник иммунология кафедраларини ташкил этиш, янги ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квоталарини ошириш, 2019-20-ўқув йилидан бошлаб, ушбу йўналишда магистратурани ташкил этиш, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аллергиялогия бўйича шифокор ходимлар малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда аллергиялогия бўйича нагнги тўплашинини кузатиш ва касалланган беморларни хабардор қилиш назарда тутилган мониторинг тизимини яратиш, аҳолининг "аллергик паспортини" ишлаб чиқиш каби қатор чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломаатлигини муҳофаза қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Илмира РОЗИҚОВА,
Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия маркази директори, профессор.

Меморандум

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 14-19 май кунлари Ўзбекистонда Челябинск вилояти Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда етакчи олимлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиобиёт илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида бўлиб, муассаса сифати ва самардорлиги ошиб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, саратонга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даража-

2018 йил 16 май кунини Челябинск вилояти Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда етакчи олимлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиобиёт илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида бўлиб, муассаса

сифати ва самардорлиги ошиб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, саратонга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даража-



фаолияти билан яқиндан таъминлаш. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Россиянинг Челябинск вилояти Соғлиқни сақлаш вазириликнинг ўртасида тиббиётнинг онкология йўналишида ўзаро ҳамкорлик олиб боришга доир меморандум имзоланди. Айтиш жоизки, 2017 йилда Россия Федерацияси онкология илмий маркази ҳамда Ўзбекистон ва Россия онкологлари ассоциациялари ўртасида имзоланган меморандум, бунинг баробарида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини аниқ ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан қўлаб фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, аҳолига кўрсатиладиган ихтисослашган онкологик ёрдам

сига қўтариш, мутахассислар малакасини ошириш мақсадида чет элнинг етакчи клиникалари ва марказлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби фаолиятлар амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Челябинск вилояти соғлиқни сақлаш вазирилик билан имзоланган мазкур меморандум эса ушбу ишларнинг узвий давоми, десак муболаға бўлмайд.

– Гувоҳи бўлиб турганимиздек, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан тизимда нихоятда катта ўзгаришлар жаддалик билан олиб борилмоқда, – дейди Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Тўракул Арзиқулов. – Жумладан, бирламчи тиббий-санитария, шошлинч тиббий ёрдам, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда онкология йўналишида қўлаб ҳамкорликдаги фаолиятлар йўлга қўйилмоқда. Вилоятимизнинг тиббиёт муассасаларида Инвестиция дастури асосида олиб борилаётган манзилли лойиҳаларга 90 миллиард сўмдан

зиёд, жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида шифо масканларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун 10 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Онкология йўналишида камчиликларни бартараф этиш, эрта ташхис қўйиш, даволаш усуллари бўйича жаҳон тажрибасини ўзлаштириш, ҳалқаро етакчи клиникалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, ушбу меморандум айлани Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиобиёт илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиалида имзоланиши бежиз эмас. Сабаби, дунё миқёсида онкологик касалликлар глобал муаммага айланиб бормоқда. Унинг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва профилактикасига алоҳида эътибор бериб, бу борада мутахассислар, вилоятнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларидаги умумий амалиёт шифокорлари, патронаж ҳамширалари малакасини ошириш ишлари ҳам кўзда тутилган. Таъкидлаш муҳими, Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалини реконструкция қилиш учун 18 миллиард 869 миллион сўм пул ажратилди. Ҳозирги кунда ушбу муассаса аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун фойдаланишга топширилган. "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли тиббиёт марказларига электрокардиография аппарати, патронаж сумкалари тақдим этилди. Челябинск вилояти Соғлиқни сақлаш вазирилик билан имзоланган меморандум бу каби ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

– Тошкент вилоятидаги Онкология диспансери фаолияти билан яқиндан таъминганимизда мамлакатингизда тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича қўлаб муваффақиятларга эришилганининг гувоҳи бўлдик, – дейди Челябинск вилояти Соғлиқни сақлаш вазири Сергей Приколтин. – Бугун имзоланган меморандум икки томоннинг фаолиятларини юқори босқичга қўтаришга хизмат қилишига ишончим комил. Биз нафақат Тошкент вилоятида, балки бутун Ўзбекистон бўйича ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Тажриба ал-

машиш, янги асбоб-ускуналар билан таъминланиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда асқотадиган амалий ишлар юзасидан фикр алмашамиз. Ишмишни Самарқанд шаҳридан бошладик. У ердаги тиббиёт муассасаларида бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар билан яқиндан танишдик. Қолаверса, мамлакатингиздаги марказий тиббиёт муассасаларини қузатганимизда соҳа тобора ривожлангани, аҳолига юқори даражада сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганлигига амин бўлдик. Шу ўринда айтиш кел-

филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Абдуҳакимов. – Жумладан, Тошкент вилоятининг тиббиёт муассасаларида кадрлар тайёрлаш, янги инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этиш, шу билан бирга, ёш мутахассисларимиз Челябинск вилоятида бориб, малака ошириш, илм билан шугулланиш имкониятига эга бўлишди. Бу жараён Челябинск вилояти тиббиёт академиясида амалга оширилади. Шу боис, бу вилоятимиз учун нихоятда керакли йўналишдир, албатта. Делегация



раки, ушбу шартнома биз учун ҳам муҳим ва қизиқарлидир. Сабаби, сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳаларда, хусусан, соғлиқни сақлашда ҳам қўлаб ютуқларга эришмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу ҳамкорлик алоқалари 5 йил муддатга тузилган бўлиб, унинг доирасида қилинадиган ишларнинг истиқболдаги самарасига қараб яна 5 йил муддатга узайтирилиши мумкин.

– Мазкур меморандумга кўра, икки давлат соғлиқни сақлаш ходимларининг тажриба алмашиши, малака ошириши, илмий йўналишда ҳамкорлик олиб бориш кўзда тутилган, – дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиобиёт илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти

аъзолари амалиётимизда учраётган жиҳатлар, хусусан, тиббиётнинг тўғридан-тўғри бирламчи бўлишига яқинлаштирилгани, касалликлар профилактикасига асосий эътибор қаратилаётганини эътироф этишди ва бунинг ўз фаолиятларида жорий этишни ҳам таъкидлашди. Айни кунларда муассасамизда интервацион радиология бўлимини очишга доир лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Ушбу меморандумга кўра, Челябинск вилояти онкология ва ядрели тиббиёт маркази клиникаси бош шифокори, академик Андрей Важеннини ушбу бўлимда консултант қилиш кўзда тутилган. Аминманки, ушбу ҳамкорлигимиз ўзининг ижобий самарасини беради.

Ҳа, шифокорларнинг малакасини ошириш, янги ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш, бир сўз билан айтганда, соҳани такомиллаштиришга қаратилган ушбу ҳамкорлик мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, онкологик хизмат такомиллашганидан далолатдир.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Жасур ЖАЛИЛОВ олган суратлар.

Наши милые женщины

КРАСИВОЙ ДУШИ ЧЕЛОВЕК

Профессия врача приравнивается к подвигу, она требует не только высокого профессионализма и ответственности, но и самопожертвования, чистоты души и помыслов.



Эти заветные слова служат руководством к действию для профессора кафедры травматологии, ортопедии, нейрохирургии и военно-полевой хирургии Ташкентской медицинской Академии Гульнарахан Алиходжаевой.

Будучи опытным врачом и ученым она приветлива со всеми, ее любят студенты и пациенты за врачебный талант, искренность и чуткость. А как лечат больных ее добрые слова?!

Гульнара-она родилась в столице, с отличием окончила среднюю школу и Ташкентский государственный медицинский институт – ТМА. Позже защитила кандидатскую диссертацию, посвященную лечению черепно-мозговой системы детей и докторскую диссертацию на тему:

"Опухоли мозжечка и 4-го желудочка у детей".

Сегодня ее можно по праву назвать первой женщиной – нейрохирургом Узбекистана. Будучи опытным педагогом, она возглавляет программу магистратуры ТМА по специальности "Нейрохирургия". Согласно разработанной ею программе организованы курсы магистратуры в Самаркандском, Андижанском и Ташкентском педиатрическом медицинском институте, подготовлено более 50 высококвалифицированных нейрохирургов-магистров, которые успешно работают не только в Узбекистане, но и в странах СНГ. Талантливым ученым определены приоритетные направления научных изысканий по проблемам детской нейроонкологии и порока

развития центральной нервной системы у детей.

В настоящее время автор более 100 научных работ готовит на государственном языке учебное пособие по нейрохирургии для студентов магистров.

Гульнара Алиходжаева принимает активное участие в республиканских и международных конференциях, популяризирует достижения отечественной медицины. Многочисленные пациенты и ученики выражают наставнице глубокую признательность, отмечая, что благодаря ее профессионализму, ответственности и добросовестности были спасены многие человеческие жизни.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

Тиббий кўрик

СОГЛОМ ОИЛА - ИШОНЧЛИ КЕЛАЖАК



Давлатимиз томонидан тиббиёт тизимининг бирламчи бўлини фаолиятига бўлган эътибор тўғрисида, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кенг доирада қамраб олиниб, уларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Ана шундай тadbirlar Тошкент шаҳрининг Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидagi 58-сонли оилавий поликлиникада ҳам ўтказилди. 2018 йилнинг 24 май куни мазкур муассасада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини кўрсатма хати ижросини таъминлаш мақсадига 14 майдан 24 майгача "Мустаҳкам оила" ҳафталиги муносабати билан "Соғлом оила - ишончли келажак" шиори остида тиббий кўрик ташкил этилди.

поликлиникамизнинг мутахассислари ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг педиатрия кафедрасидан таклиф қилинган катта ўқитувчи Раёно Қодирова томонидан олиб борилди. ЛОР, окулист, гинеколог, терапевт, хирург, невропатолог, УТТ, ЭКГ, стоматолог, кардиолог, педиатр ва лаборатория ходимлари 205 нафардан ортқ фуқароларни текширувдан ўтказдилар. Айниқса, кардиолог, невропатолог

хамжихатликдаги ишларимиз самарали натижаларни бермоқда. Айниқса, "Саломатлик мактаби" фаоллари билан олиб борилаётган ишлар ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда уларнинг тиббиётга бўлган ишончини орттирмоқда. Бугунги тadbirlar ҳам кўнгилдагидек ўтди десам муболага бўлмайди. Худудимизда истиқомат қилувчи отахону онахонлар, ёш оила, она

ўтказилганлигидан аҳолимиз ниҳоятда мамнун бўлди. Албатта, бу каби ҳафталикларнинг тез-тез ташкил қилинаётгани халқ саломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу ишларнинг бардавомлигидан далолат деб биламан. Хонадонларда бўлганимизда пиру бадавлат отахону онахонларимиз қўлларини дуога очиб, бу каби шароитлардан мамнун ҳолда, Президентимизга ўз ташак-



– Худудимизда 25 минг 399 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 12 нафар умумий амалиёт шифокори, 10 нафар тор соҳа мутахассиси ҳамда 56 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатиб келмоқда. Фаолиятимиз давомида ҳукуматимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ижроси борасида кенг қўламли ишларни олиб бормоқдамиз. Бугунги тadbirlarимиз

ҳам вазирлиқнинг кўрсатма хати асосида худудимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Аҳолига қулай бўлиши учун ушбу кўриқни поликлиникамизга қарашли Абдулла Қаҳҳор номли МФЙ биносидида бўлиб ўтди. Тиббий кўригимиз "Соғлом оила - ишончли келажак" шиори остида ўтказилиб, унда фертил ёшдаги аёллар, қариялар, ёш оилалар, ўсимир ёшдаги ўғил ва қизлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар

ва окулист қабулида аҳоли томонидан кўп мурожаат қилинди. Ана шундай кўриқлар касалликларнинг олдини олишда ва халқнинг тиббий саводхонлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда, – дейди оилавий поликлиника бош шифокори Муассар Сулаймонова.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори ижроси бўйича ҳамкорликдаги фаолиятлар яхши йўлга қўйилган. Ушбу оилавий поликлиника билан

ва болалар шифокорларимиз тиббий кўригидан тўлиқ ўтдилар. Бундан ташқари, УТТ, ЭКГ аппаратуралари ҳамда лаборатория таҳлилларининг ҳам жойида

Тadbirlarда иштирок этиб қайтар эканмиз, ушбу кўриқка кўтаринки кайфият билан келаятган аҳолининг тиббиётга ишончи ва саломатлигига бўлган масъуллигини кўриб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқ розилиги – олий бахт эканлигини чин дилдан ҳис қилдик.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

101 хизмати

ХАВОТИРДАН ХОЛИ БЎЛАЙЛИК

Бугунги кунда қурилиб, фойдаланишга топширилаётган турли бино-иншоотлари ва фуқароларнинг уй-жойлари шаҳримиз янада чирой очигиша ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, хусусий уй-жойлар ихчам, шинам, кўркам ва камчиқимлиги билан ажралиб туради. Сабаби, илгор технологиялар, замонавий қурилиш материаллари шаҳар меъморчилигига ижобий ўзгаришлар киритмоқда. Бироқ таъкидлаш жоизки, бу борада аҳоли яшаш жойларини ёнгиндан муҳофаза қилиш, қурилиш ишлари мобайнида уларнинг ёнгинга қарши ҳолатини ҳисобга олиш муҳим масалалардан биридир. Чунки ёнгин оқибатларини бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш, яъни хусусий уй-жой ва бино иншоотларини ёнгин хавфсизлиги қондалари талабларига амал қилган ҳолда барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Унутманг, бу билан тур-

ли йўқотишларнинг олдини олган бўласиз.

Музроб ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани
ЁХБ инспектори, сержант.

Маълумки, ёнгин ҳодисаси аянчли оқибатларни келтириб чиқаради. Айнан ёнгин оқибатлари натижасида ҳар йили дунё бўйича минглаб оилалар бошпанасиз қолади.

Ачинарлиси, айрим ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлган ёнгин ҳолатлари одамларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, мамлакат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, айрим фуқаролар электр ва газ тизимида юзага келган носозликларни ўзбосимчал билан таъмирлаши натижасида катта хатога йўл қўйишади. Оқибатда содир бўлган ёнгин ҳодисалари нохуш ҳолат-

ларни келтириб чиқаради. Қолаверса, баъзи инсонларнинг эътиборсизлиги газ ёки электр плита воситалари хавфсизлигига бефарқ муносабатда бўлиши натижасида ўзи ва яқинларининг саломатлигини йўқотишига ва бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабабини бўлиб қолади. Шу боис, эслатиб ўтмай оғоҳлик фаровонлигимиз қафолатидир.

Аброр ХАЛИЛОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори,
кичик сержант.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 май кундаги 2992-сонли "Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлиналари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тadbirlarлари тўғрисида"ги қароридида ҳафтадан ҳар чоршанба кунини "Ёнгинлар профилактикаси кунини" деб белгиланган. Мазкур қарор ижросини бажариш мақсадида ту-

ман худудидаги тиббиёт муассасаларида бўлиб ходимлар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб, тунги вақтда ҳам шифо масканларида текширувлар олиб бормоқдамиз. Шунингдек, захира чиқши йўлларининг очиқлиги, бирламчи ёнгин ўчириш воситаларининг созлиги ва уларнинг шай ҳолатдалиги текширилиб ходимларга ёнгин хавфсизлиги бўйича тегишли йўқолганлиги сабабли

Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар
Бектемир тумани
ЁХБ инспектори, сержант.

Эълон
Балтабаева Дилфуза номига
2013 йилда Қўбрай тadbirlarкорлик
касб-хунар коллежи томонидан берилган
Т 1317190 рақамли Диплом
йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлөзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-кават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини
рўйхатга олинган. Ғувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4561 нусха.
Буюртма Г-537.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.